O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OILA VA XOTIN-QIZLAR
DAVLAT QO‘MITASI
B U Y R U Q

“05” iyul 2022 yil. № 37-б Toshkent sh.

**Ўзбекистон Республикаси Очиқ маълумотлар порталида ҳамда қўмита расмий веб сайтида Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси фаолиятига тегишли очиқ маълумотлар тўпламларини эълон қилиш масалалари бўйича масъул ходимларни бириктириш тўғрисида**

Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси томонидан очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни, шу жумладан бюджет жараёнининг очиқлигини таъминлайдиган ахборотларни қўмита расмий веб сайтига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг очиқ маълмумотлар порталига жойлаштириш бўйича масъул ходимларни белгилаш мақсадида,

**БУЮРАМАН:**

**1.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 16 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиқлигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ПФ-6247-сон Фармони 1 иловаси ижро ва асос учун қабул қилинсин.

**2.** Қуйидаги ходимларга Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6247-сон Фармони 1 иловасида келтирилган Очиқ маълумотлар сифатида жойлаштирилиши керак бўлган ижтимоий аҳамиятга молик маълумотларни ўз вақтида тайёрлаш ва тегишли масъул ходимга тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин:

**Ташпулатов Жахонгир Улуғмуратович** – Хизматлар кўрсатиш ва молиявий таъминот бўлими бошлиғи;

**Ортиков Учқун Тошботирович** - Хизматлар кўрсатиш ва молиявий таъминот бўлими бош мутахассиси;

**Абдусаломов Ойбек Абдусаламович** – Ташкилий назорат ва таҳлил бошқармаси бош мутахассиси.

**3.** Қўмита расмий веб сайти ва Очиқ маълумотлар порталига тегишли очиқ маълумотларни ўз вақтида жойлаштириш ва эълон қилиш учун Матбуот котиби **Джумаева Нилуфар Ҳикматуллаевна** масъул этиб белгилансин.

**4.** Мазкур буйруқ ижроси назоратини ўз зиммамда қолдираман.

**Раис** **З. Махкамова**